
Фарғонада электр қувватлари “омбори” бунёд этилмоқда (+видео)

Газ омборлари бор, сув омборлари ҳам мавжуд. Аммо электр қуввати омборлари-чи? Яқин орада Ўзбекистонда биринчи марта электр қувватлари омбори пайдо бўлади. У Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида бунёд этилмоқда.

Сиз тўғри эшитдингиз, электр қувватлари “омбори” – яъни электр энергиясини сақлаш тизими қурилмоқда. Унинг қуввати 150 МВт га тенг. Бу Ўзбекистонда ҳалигача муқобили бўлмаган иншоотни Хитой Халқ Республикасининг “China Gezhouba Group Overseas Investmen Co.ltd” компанияси тўғридан-тўғри 144 миллион долларлик хорижий инвестиция киритиш ҳисобига бунёд этмоқда. Дастлаб шу йил февраль ойида бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг қарори қабул қилинган эди. 11-12 июль кунлари давлат раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида эса ушбу лойиҳа қурилишига изн берилди. Бор -йўғи уч ярим ойда Ўзбекистон тумани адирликларида жуда катта ҳажмдаги иш бажарилди. 400 дан зиёд қурувчи мутахассис иштирок этаётган майдонда электр энергиясини сақловчи батареялар ўрнатилди. Юқори кучланишли электр тармоқлари монтажи тугатилди. Энди боғловчи иншоотлар қурилиши давом этяпти.

Батафсил: <https://uza.uz/posts/651786>

Видео: <https://youtu.be/uHn3io98w0c>
2024-10-30 16:58:37